



Уруш галаба билан тамомланиб, тинч қурилишга ўтилгандан сўнг Ўзбекистон республикасининг ижтимоий сиёсий ва иқтисодий ҳаётида халқ хўжалик масалалари, ташкилий ва маданий оқартув масалалари асосий ўринни олди. 1946-1947 йиллардаги Ўзбекистоннинг ҳамма жойида туман ва шаҳар фирка комиссиялари бўлиб ўтди. “СССР халқ хўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантиришнинг 1946-1950 йилларга мўлжалланган беш йиллик режаси тўғрисидаги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан фирка ташкилотларининг ташвиқот-тарғибот ишлари тўғрисида” собиқ иттифок қомфиркаси марказқўмининг қарорини амалга ошириш борасида ишлар қизитиб юборилди. Урушдан кейинги йилларда республика фирка ташкилотлари ва уларда аъзолар сонининг ўсиши қучайди. 1954 йилнинг феврилида республика фирка ташкилотида 11127927 аъзо ва 138861 номзод бор эди.

Бу йилларда ҳам республикада “фирка ҳукмронлиги” давом этиб шўроларга қасаба уюшмаси ва ёшлар ташкилотига унинг раҳбарлиги янада қучайди. Шундай бўлсада, жумҳуриятда ижтимоий ташкилотлар фаолиятида ташаббускорлик, жонбозлик давом этди.

1957 йилнинг охирида Ўзбекистонда бир бутунликка миллиондан кўпроқ қасаба уюшма аъзолари бўлиб улар 12 мингта бошлагич қасаба уюшмаларида бирлашган эди. Қасаба уюшмаларининг ташаббуси билан 1958 йилда Республикада ихтирочилар республика жамияти ташкил этилди ва у Ўзбекистонда халқ хўжалигини ривожлантиришга хизмат қила бошлади. Урушдан кейинги 5 йилликларда республика ёшларнинг ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги ҳиссаси катта бўлди. Чунинчи ёшлар бригадаларидан 1148 таси ва республиканинг ишчи ёшларидан 80 минг киши 1947 йилда 4-5 йиллик топшириқларни муддатидан олдин бажариш учун юриш эълон қилиб, беш йилликнинг икки йили режасини муддатидан илгари бажардилар. Ёшлар иттифоқи бошлиқ бригадалар иқтисодий тежамкорлик давлат маблағларини тежаш ҳаракатини бошқардилар чунинчи Тошкент электр кабель заводининг ёшлар ташкилоти мўлжалланган тадбирлари амалга ошириши натижасида заводнинг 130 минг сум маблағи тежалди. 1949 йилда Ўзбекистон ёшлар ташкилоти сифатида 280 минг аъзо бор эди. Улар кўпгина ватанпарварлик ташаббуси билан чиқиб Ангрен қурилишларда Мирза чўл ва марказий Фарғона ерларини ўзлаштиришда фаол қатнашдилар. Улар тинчлик ва дўстлик учун қураш байроғи остида Прагада 1947, Бухаресда 1953 йил Москвада 1957 йил ўтказилган халқаро ёшлар фестивалида иштирок этдилар. 1951 йилда Қаҳон тинчлик кенгаши Берлин сессиясининг “Беш буюқ давлат ўртасида тинчлик аҳднома (битим) тузиш тўғрисидаги мурожаотига имзо” тўплаш ҳаракати кенг авж олиб келди Республика меҳнатқашларидан 887311 киши бу ҳужжатга имзо қекди. 1995 йилда Ўзбекистон жаҳон тинчлик кенгашининг ядро

уриши хавфига қарши мурожатига 4 023 826 киши қўл қўйди. Республикада тинчлик учун атом уриши хавфининг олдини олиш учун мавзуда қўп минг кишилиқ митинглар йиғилишлар ўтказилди. Сухбатлар телевизион кўрсатувлар ташкил этилди. Бирок урушдан кейинги йилларда “фирка ҳукмронлиги” нинг мустаҳкамлиги унинг бош рўлини ўйнаш борасидаги фаолияти африм фирка ва давлат раҳбарларининг ноқонуний ҳатти ҳаракатлари бошқа минтакалардан бўлганидек республикада ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Режага асосан республикада саноат ишлаб чиқариш 89 фоизга, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини эса 52 фоизга қўпайтириш кўзда тутилган эди. Биринчи навбатда саноатнинг химия, электроэнергетика, қишлоқ хўжалиқ машинасозлиги, қон саноати (биринчи қайта ишлаш соҳасини) тармоқларини ривожлантиришга катта эътибор берилган эди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида эса асосан пахтачиликни ривожлантиришга эътибор қаратилган эди.

Режада республика вилоятлари хўжалиқларидаги устивор тармоқлар ҳам белгилаб берилган эди. Жумладан Фарғона водийсида пахтачилик Тошкент вилоятида қўпроқ пахтачилик сабзавотчилик, чорвачилик, қўмир, рангли металлургия, химия, энергетика соҳаларини. Бухоро вилоятида пахтачилик, қоракўлчилик ва пиллачиликни ривожлантиришга қўпроқ эътибор берилган эди.

Режага асосан Ўзбекистонда капитал қурилиш учун 3.900 млн. Сўм ажратилган эди. Бу вазифаларни бажаришда кадрларнинг молиявий ресурсларнинг, техника асбоб-ускуналарнинг етишмаслиги қаби қийинчиликлар мавжуд эди.

1946-1950 йиллар мабойнида республикада 150 та йирик саноат қорхоналари қуриб ишга туширилди. Саноатнинг янги тармоқлари қора ва рангли металлургия, станоксозлик вужудга келди. Иккита йирик “Чирчиксельмаш” ва “Ўзбексельмаш” машинасозлик заводалари қурилиб ишга туширилди. 1950 йилда 1946 йилга нисбатан машинасозлик 19 баробар ўсди, табиий газ олиш 3 баробар ўсди, электроэнергия 480 млн.дан 2.665 млн.квт соатга етди, енгил ва тўқималик саноати 128.7 фоизга қўпайди.

Беш йил ичида республика жами саноат маҳсулоти 183 фоизга ортди. Қўқон шаҳар заводининг Украинага қўчирилиши мунособати билан шакар ва спирт ишлаб чиқариш бажарилмаган эди. Химия, уй-жой қурилиши соҳалари бўйича ҳам капитални ўзлаштириш бўйича белгиланган режалар бажарилмади. Бирок бу беш йилликда иттифок микёсидаги қорхоналарнинг маҳсулти 4.8 баробар қўпайган ҳолда, республика бошқарувида бўлган маҳаллий саноат атиги 8 % га ўсди ҳолос. Ўтган беш йил ичида қишлоқ хўжалиқ соҳасида ҳам қисман, ривожланиш содир бўлди. Режа бўйича 1953 йил охирига бориб республикада пахта етиштириш 2 миллион 139 минг тоннага етказилиб, 1940 йилга нисбатан 54 % га қўпайтириш мўлжалланган эди. Шу мақсадда Богдод ва Хоразм қоллекторлари, Шеробод, Шимолий ва катта Тошкент каналлари ҳамда Каттакўргон, Ўрта тўқай сув омборлари қуриб ишга туғирилди. Қишлоқ хўжалиқ ҳодимларига 9 мингдан ортиқ трактор ва қишлоқ хўжалиқ асбоб ускуналари етказиб берилди.

Республикада 30 центнерчилик ҳаракатида минглаб пахтақорлар қатнашдилар. Бу ҳаракатда Замира Муталова, Мехринисо Ўбайдуллаева қабилар меҳнатда катта жасорат кўрсатдилар. Пахтачилик 1947 йилда 1940 й даражасига етиб, 1950 йилда давлатга 2.116 минг тонна пахта сотилди. Ҳосилдорлик гектаридан 14.7 центнердан (1940 й) 21.1 центнерга (1950 й) етди. Шу билан бирга пахта яққа ҳокимлиги, пахтачилик меҳенизациялаштириш ва химиялаштириш ҳаракати қучайди. 1948 йилда пахта териш

машиналари ишлаб чиқарилгач, гўза баргини тўкишда бутифос ва меркаптопос қўлланила бошлади.

Чорвачилик соҳасида бажариб бўлмайдиган ноаниқ режалар қабул қилинган эдики, натижада бу вазифалар бажарилмади.

Ипакчилиқ соҳасида эса 1940 йилдаги 685.4 тонна ўрнига 1950 йилда тонна пилла давлатга сотилиб, катта ютукка эришилди.

Кишлоқ хўжалигида моддий-техника базасининг ишлаб чиқарувчилар моддий манфаатдорлик даражасининг пастлиги, пахта яқка ҳокимлигининг қучайиши каби муаммолар мавжуд эди.

1951-1955 йилларга мўлжалланган биринчи беш йилликда ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришини 54 фоизга, ялпи кишлоқ хўжалиқ маҳсулотини 50 % ўстириш, пўлат ишлаб чиқариш 80 фоизга, прокат ишлаб чиқариш 70 фоизга қўпайтириш мўлжалланди. Халқ хўжалигига сарф қилинган маблағ олдинги беш йилликдагига нисбатан икки баробардан кўпроқ бўлди. Самарканд суперфасфат заводи, Олтин топган кўргошин-калай комбинати, Тошкент чини заводи, Чирчик шиша заводи, Қуйибўзсув, 2 та Наманган ГЭСлари, Андижон ГРЭСлари ишга туширилди. Электр энергияси ишлаб чиқариш 1950 йилдаги 2,682 млн.квт.соатдан 1955 йилда 3,880 млн.квт.с га етди. Қўмир казиб олиш 70 фоизга, машинасозлик икки баробар, минерал ўғитларни ишлаб чиқариш 81 фоизга, тўқимачилиқ саноати 15 фоизга ўсди. 50 йилларнинг охирида 1300 дан ортиқ фабрика ва заводларни бирлаштирган саноатнинг 70 тармоғи мавжуд эди. Бироқ бешинчи беш йиллик режанинг бажарилиш яқунларини таҳлил қиладиган бўлса бу даврда саноат маҳсулотининг йиллик ўсиш даражаси кескин қайишди. Олдинги муаммоларнинг биронтаси ҳам ҳал қилинмади.

1. Энергетика соҳаси бошқа тармоқларининг ривожланишидан орқада қолмоқда эди.
2. Йилдан йилга капитал қурилиши бўйича режалар бажарилмай қолаверди.
3. Нефть қонларини қидириб топиш ишларининг қисқариши туфайли нефтьни казиб олиш пасайди.

4. Енгил саноатнинг 25 фоиз қорхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича қўрсаткичларни бажармадилар.

5. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражаси пасайиб қолди. Режалар асосан халқ хўжалигини жадал ривожлантириш ҳисобига бажарилди. Беш йил ичида халқ хўжалигига капитал маблағ сарфлаш 2.3 баробар қўпайишига қарамай, ялпи саноат маҳсулоти зўрға 1.6 баробар меҳнат унумдорлиғи эса 1.2 баробарга ўсди. Бу далиллардан қўрилиб турибдики капитал маблағларни сарфлаш қўтилган самарадорликни бермади.

6. Республикада ишлаб чиқарувчи қўшларни жойлаштириш нотеқис эди. Масалан 1955 йилда ялпи саноат маҳсулот ишлаб чиқаришда Тошкент вилоятининг ҳиссаси 39.8 фоиз бўлгани ҳолда Сурхандарё вилояти ҳиссаси эса 1.7 фоизга тўғри қелди.

1954 йилнинг февралда собиқ ҳуқмрон фирқа марказкомининг ва Собиқ иттифок ҳуқумати “Ўзбекистон ССРда 1954-1958 йилларда пахтачилиқни янада ривожлантириш тўғрисида” қарор қабул қилиниб, унда сув хўжалигини яхшилаш, пахта етиштиришни механизациялаштириш, кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилди. 1958 йилда МТСлар қайта қурилиб, қўплаб машина ва тракторлар қолхозларга сотилди. 1953-1955 йилларда 130 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Тракторларнинг сони қишлоқ хўжалигида 33.5 мингдан (1951 йил) 46.8 мингга (1955 й) етиб, 40 фоизга қўпайди. МТСлардаги пахта териш машиналарининг сони 3.3 мингдан 15.1 мингга етди. Беш йил

ичида давлатга 12 716.1 минг тонна пахта сотилган бўлсада 1951-1956 йилларда пахта тайёрлаш режаси бажарилмади.

1959-1965 йилларни ўз ичига олган етти йиллик режа кўрсатмалари бўйича 1965 йилда 1958 йилга нисбатан миллий даромад 62-65 фоизга, кишлоқ хўжалиги маҳсулоти 70 % га кўпайиши керак эди. Капитал курилиш юзасидан 164 та йирик саноат корхоналари курилиб ишга тушурилиши режалаштирилган эди. Ишчи ва хизматчиларнинг фидокорона меҳнати туфайлигина 1965 йилда 1959 йилга нисбатан ялпи саноат маҳсулоти 1.8 баробарга ўсди. Ижтимоий ишлаб чиқаришда энергетика, химия, машинасозлик, рангли металлургиянинг салмоғи 18-28 фоизга кўпайди. Газ казиб олиш 1958 йилги 126 млн.куб.м.дан 1965 йили 16.475 млн.куб.м га етди. Бухоро Урал магистрал қувури курилиб ишга туширилди. Етти йилликда Ўзбекистон маҳсулотларининг (марказ орқали) чет мамлакатларига экспорти 54 фоизга ўсди. 1963 йилга келиб, Ўзбекистонда 1400 колхоз ва 182 савхоз фаолият кўрсатаётган эди. Қарши, Шеробод, Аму Бухоро магистрал каналлари курилиб ишга туширилди янги ерлар ўзлаштира бошланди.

Кишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида ҳам маълум ишлар қилинди. 1964 йилда колхоз ва совхозларга 64 минг трактор 16.4 минг пахта териш машиналари, 59.6 минг култиваторлар сотилди. Етти йилликда механизатор кадрларга эътибор кўрсатилиб 96 минг тракторчи тайёрланди. Шу йилларда Турсуной Охунова, Жавод Кўчиев, М.Умрзоков каби механизаторларнинг номи машҳур эди.

Юқоридаги кўрсаткичларга қарамай корхоналарнинг самарадорлик даражаси паст эди. Кишлоқ хўжалиги бўйича етти йиллик вазифалар бажарилмади. Саноатдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати жаҳон андозаларидан орқада қола бошлади. Пахта яққа ҳокимлиги қучайди Орол муаммоси бошланди. Халқ хўжалигининг жадал тарзда ривожланиш имкониятлари тугаб бормокда эди. Етти йилликда бошланган иқтисодий ислохатлар охирига етказилмади. Бунинг устига 70-80 йилларда халқ хўжалиги раҳбарлик қилишдаги маъмурий буйруқбозлик янада қучайди. Кўшиб ёзиш бюрократизм, субъективизм иллатлари кенг ёйила бошлади. 70-80 йилларда кишлоқ хўжалиги ривожланиш даражасининг пасайиб боришини қуйидаги кўрсаткичлардан ҳам кўриш мумкин.

Бундай тасвирлаш ҳолатларини 80 йиллар ўрталарига келиб, бутун собиқ иттифокда бўлганидек республика халқ хўжалиги тараққиётида ҳам бир жойда депсиниб қолиш ҳолатларини вужудга келтирди.

Пахта яққа ҳокимлиги ва унинг оқибатлари

Пахта экин майдонларининг ўринсиз кенгайтирилиши ва агротехника қоидаларининг бузилиши туфайли ернинг ҳосилдорлиги пасайиб кетди. Ҳосилдорликни ошириш учун экин майдонларида ҳаддан ташқари ортиқча минерал ўғитларидан фойдаланиш оқибатида бу ерлар маълум бир вақтдан кейин батамом яроқсиз ҳолга келиб қолди. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, Ўрта Осиёнинг йирик дарёлари сувларидан назоратсиз фойдаланиш, ўлкада ўринсиз равишда сунъий сув хавзаларининг курилиши натижасида Орол денгизи аста-секин қуриб бошлади ва XX асрнинг энг йирик Орол фожияси вужудга келди.

Ижтимоий ҳаёт

Урушдан кейинги 1946-1950 йилларда халқ хўжалигининг ҳарбий издан тинч курилиш йўлига ўтказилиши маълум даражада имтимоий соҳадаги масалаларини хал қилиш

имкониятларини бера бошлади. 1947 йили озик овкатга бўлган карточка тизими бекор килиниб, чакана савдонинг тикланишига эришилди. Шу йили пул ислохоти ҳам ўтказилди.

Халк таълимини қайта тиклашга эътибор қаратилди. 1945-1946 ўқув йилларида республикада 4483 та мактаб бўлган бўлса, 1950 йилда уларнинг сони 5005 тага етди. Ўқувчиларнинг сони ҳам 912040 кишидан 1 265 485 кишига кўпайди. Малакали муаллимлар тайёрлашга эътибор қаратилиб, 1950 йилда 48 237 муаллим ишлай бошлади. Олий таълимни ривожлантириш соҳасида ҳам сезиларли ишлар килиниб, 1945 йилдаги 33 та ўрнига. 1950 йилда 37 та олий ўқув юртлари фаолият кўрсата бошлади. Талабаларнинг сони 1950 йилда 1940 йилга нисбатан 3 баравар кўпайиб 21 190 тага етди.

Шу йиллар мабойнида ўрта махсус ихтисослашган теникумлар 71 тадан 91 тага етди. Ўқитувчиларнинг сони эса 2037 тадан 40370 тага кўпайди, шифокорларнинг сони деярли 2 баробар ўсган бўлса-да республика аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш коникарсиз ахволда эди. 80-50 йиллар мабойнида Республикаимизнинг ижтимоий иктисодий ва маданий ҳаётида маълум даражада ўзгаришлар содир бўлди.

1956 йилда телевидениянинг ватани бўлган Тошкентда телемарказнинг ишга туширилиши Ўзбекистон ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Шу йилларда меҳнаткашларнинг турмуш шароити ҳам қисман яхшиланди. Аҳолига савдо хизматини яхшилаш мақсадида савдо тармоклари кенгайтирилди.

Меҳнаткашларни уй-жой билан таъминлаш масаласида ҳам бир қатор ишлар қилинди. Тошкентда йирик Чилонзор турар жой массиви қад кўтарди. Нукус, Чирчик, Навоий, Олмалик, Самарканд, Фаргона, Ангрен каби шаҳарларда янги турар жой мавзелари барпо этилди. Бирок Ангрен каби шаҳарларда янги турар жой мавзелари барпо этилди. Бирок бу қурилишларнинг ўсиш даражаси аҳолининг ўсиш даражасидан орқада қолмакда эди. Қурилган иморатларнинг сифат даражаси ҳам паст эди. Республика аҳолисини уй жой билан таъминлаш масаласи ҳал қилинмай қолаверди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, даволаш профилактика муасссалари ва медицина ходимларини кўпайтириш бўйича ҳам ишлар олиб борилди. 1986 йилда 895 даволаш профилактика муасссаларидан 35 мингдан ортиқ медицина ходимлари меҳнаткашларга тиббий хизмат кўрсата бошладилар. 1989 йилда шифокорларнинг сони 68.5 мингга етиб жумҳуриятимизнинг ҳар 10 минг аҳолисига 33.8 шифокор ва 101.7 тиббиёт ҳамшираси тўғри келди. Шунга қарамай жумҳуриятимиз рақ, ошқозон-ичак, сарик каби юқумли касалликлар бўйича иттифокда етакчи ўринларни эгаллар эдилар. Тугилаётган ҳар 5 боладан биттаси гўдаклигидаёқ ҳайтдан кўз юмар эди.

Жумҳуриятимизнинг собиқ Иттифок ҳом ашё базасига айланганлиги, пахта яққа ҳокимлиги, экологик ахволнинг тобора ёмонлашиб бориши, аҳолининг турмуш даражасига таъсир этмай қолмасди. Республика аҳоли турмуши қай даражадалигини қуйидаги аҳоли жон бошига озик-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш кўрсаткичларида қўриш мумкин.

XX аср 80 йилларида Ўзбекистон ҳаёти зиддиятлар ва муаммолар

1970- 1980 йилларга қелиб собиқ иттифокнинг иктисодий ижтимоий ҳаётида, ривожда салбий ҳолатлар юзага қелганлигини қузатиш мумкин бўлади.

Ривожланишда бир жойда депсиниб қолиш даври бошланган бўлиб, бу йиллар тарихда тургунлик йиллар деган ном олди. Натижада барча республикалар қатори бизнинг

жумхуриятимизда иктисодий ижтимоий ривожланиш секинлашди, ички муаммоларни субъектив ва валютаритив тарзда хал этилиши зиддиятларни янада кучайтирди ва тенгликка олиб кела бошлади. Унинг асосий сабаблари куйидагилар эди.

1. Бутун иттифок сингари республикаимизда ҳам маъмурий буйрукбозлик бошқарувининг кучайиши ва тоталитар тузимнинг ўрнатилганлиги.
2. Халк хўжалигини бошқаришнинг ўта марказлаштирилши ва жумхуриятлар манфаатларининг ҳисобга олинмаганлиги.
3. 60-йилларнинг ўрталарига келиб халк хўжалиги баракасиз ривожланиш имкониятларининг тугаганлигини ҳисобга олиб унинг жадал ривожланиш даврига ўтказилмаганлиги.
4. Республикаимизнинг иттифок хом-ашё базасига айланиб қолиши ва пахта якка ҳокимлигининг ўрнатилиши.
5. Ижтимоий масалаларга қолдиқ тамойили асосида қаратилиши.
6. Табиатга нисбатан нотўғри муносабатда бўлмаганлиги.

Маънавий сохада

1. Дин ва диндорларга нисбатан зўровонлик сиёсатининг олиб борилиши.
2. Умуинсоний кадрятларни тан олмаслик.
3. Ижодкор зиёлиларга тор синфий нуктаи назардан қаралиши ва улар ижодининг бўғиб қўйилиши.
4. Бошқа халкларнинг маънавий кадрятларини менсимасли.
5. Миллий масалини хал қилишда тор синфий нуктаи назардан қараиб, байналминаллашувни синфий тарзда тезлаштиришга ҳаракат қилиш каби номақул фаолият.

Бу зикр этилган сабаблар эса республикаимиз тараккиётига, халкимиз рухиятига ҳам таъсир этмай қолмади.

Шунга қарамай 50-80 йиллардаги республикаимиз тарихининг ижодкори ўзбек халқи бўлди. Бу халқ тарих синовларидан жасорат билан ўтиб, фидокорона меҳнати орқали ўзининг моддий ва маънавий бойлигини қўпайтира олди.

Биргина депсиниш ҳолати мамлакат иктисодиётининг издан чиқишига олиб келди. Бу даврда асосан маблағларни сарфлаш эвазига баракасиз йўлдан зўрма зўраки ривожлантирилган мамлакат халқ хўжалиги амалда ривожланмади. Мамлакатнинг ўша вақтдаги раҳбарлари Л.И.Брежнев (1964-1982 й ноябригача), Ю.В.Андропов (1982 й. Ноябрь, 1983 й. Февраль) К.У Черненко (1983 й. Март, 1984 й. Март) иктисодий ижтимоий ва сиёсий соҳаларда ўз ечимини қутаётган муаммоларга этибор бермадилар. Шунинг таъқидлаш жоизки, Собик иттифок аввал бошдан сохта қурама эди. Ўн та республикалар мажбуран бирлашган эдилар. Шунинг учун ҳам улар ўз халқи миллий давлатчилиги кадрятлари, хоҳиш иродаси инобатга олинмаган бу иттифокдан бутунлай норози эдилар. Аммо ундан чиқиш мураккаб эди. Гарчи собик иттифок конститутциясида бундай қоида мавжуд бўлса-да қучли марказ армия давлат ҳавфсизлиги қўмитаси каби асосий қучлар бу иттифокнинг таянч нукталари эди.